

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-2



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-2>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslovovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Қиличев Хайрулла Маматович ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	5
2. Ubaydullayev Abror Qutpilla o'g'li ISLOM MOLIYA HUQUQI: TUSHUNCHASI, MAZMUNI VA ISTIQBOLLARI.....	15
3. Ходжаев Бахшилло Камолович ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ СИФАТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР ТРАНСФЕРИ ВА УНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ.....	21
4. Юсупова Мухбира Абдухоликовна ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ПРОБЛЕМЫ ИХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОГО ГРАЖДАНСКОГО ОБОРОТА.....	29
5. Жуманов Тўлқинбой Саттарович ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА КАДРЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР.....	40
6. Абзалова Хуршида Мирзиятовна ЧТО ОЗНАЧАЕТ «ПРАВО НА ЗАБВЕНИЕ» («ПРАВО БЫТЬ ЗАБЫТЫМ, ПРАВО НА УДАЛЕНИЕ ДАННЫХ»)?:.....	48
7. Имомназаров Алишер Хасанович КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ.....	56
8. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Мамазова Зарифа Курбановна ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР РАҚОБАТИДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИГА КЎРА ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	68
9. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Рашидов Фируз Туйғунович ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ҲУДУД БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ.....	78
10. Аҳмадов Алимардон Аҳмадович “ЖИНОИЙ АКТИВЛАР”НИ ҚАЙТАРИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР.....	90
11. Баракаев Лазизжон Отақулович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА ТАФТИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	104
12. Турсунова Маликахон Улуғбековна РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИНГ ДИПЛОМАТИК ХИЗМАТГА ТАЪСИРИ: ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	113




Курбанов Маъруфжон Мамадаминович,
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail:marufjonkurbanov77@gmail.com

Рашидов Фируз Туйғунович,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси катта ўқитувчиси
E-mail:f.rashidov@gmail.com

ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ХУДУД БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ

For citation: Kurbanov Marufjon Mamadaminovich, Rashidov Firuz Tuynunovich. THE EFFECT OF THE CRIMINAL LAW IN SPACE. Journal of Law Research. 2023, Special issue 2, pp.78-89

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8113965>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф томонидан жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилишига оид айрим мулоҳазалар баён қилинган. Шунингдек, муаллифнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси миллий жиноят қонунчилигининг қўлланиш ҳудудий доирасини белгилайди. Унда баён этилган қоидалар ҳудудий тамойилни ифода этади, яъни қайси давлат ҳудудида жиноят содир этилган бўлса, ўша давлатнинг жиноят кодекси қўлланиши тамойили кўрсатилади. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган барча шахслар, улар қайси давлат фуқароси бўлишидан қатъи назар ёки фуқаролиги бўлмаслигига қарамай, фақат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бўйича жавобгарликка тортилади.

Собиқ СССРнинг тарқалиб, ўрнида бир қанча мустақил давлатларнинг пайдо бўлганлиги, собиқ иттифоқ ўрнида МДХнинг пайдо булиши ва улар ўртасида барча соҳадаги алоқаларнинг тамоман ўзгарганлиги, улар ўртасидаги чегаравий муамоларни келтириб чиқардики, бу муаммолар бевосита жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилишига ҳам таалуклидир. Шунингдек, муаллиф мақола сўнгида чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш тариқасидаги жиноий жазони пенализация қилиш таклифини илгари сурган ва унинг асосланганини берган.

Калит сўзлар: жиноий жавобгарлик, ҳудуд, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш, фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди, юрисдикция.

Курбанов Маъруфжон Мамадаминович,
Доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail:marufjonkurbanov77@gmail.com

Рашидов Фируз Туйғунович,
Старший преподаватель Международного

исламского академии Узбекистана
E-mail:f.rashidov@gmail.com

ДЕЙСТВИЕ УГОЛОВНОГО ЗАКОНА В ПРОСТРАНСТВЕ

АННОТАЦИЯ

В статье описываются некоторые комментарии, сделанные автором относительно некоторых соображений, касающихся действительности уголовного законодательства в зависимости от территории. Автор также отметил, что Уголовный кодекс Республики Узбекистан определяет территориальную сферу применения национального уголовного законодательства. Изложенные в нем положения выражают территориальный принцип, то есть указывается принцип применения Уголовного кодекса одного и того же государства, на территории которого было совершено преступление. В соответствии с этим все лица, совершившие преступление на территории Узбекистана, несут ответственность только по Уголовному кодексу Республики Узбекистан, независимо от того, гражданами какого государства они являются или не являются.

Распад бывшего СССР и появление на его месте нескольких независимых государств, возникновение СНГ на месте бывшего Союза и полное изменение связей между ними во всех сферах вызвали пограничные проблемы между ними, эти проблемы также напрямую связаны с тем фактом, что преступная деятельность закон распространяется на эту территорию. В конце статьи автор также выдвинул и обосновал предложение о введении уголовного наказания в виде выдворения иностранных граждан и лиц без гражданства с территории Республики Узбекистан.

Ключевые слова: уголовная ответственность, территория, выдворение с территории Республики Узбекистан, граждане, лица без гражданства, иностранные граждане. Территория Республики Узбекистан, юрисдикция.

Kurbanov Marufjon Mamadaminovich,
Doctor of Philosophy in Law (PhD)

E-mail:marufjonkurbanov77@gmail.com

Rashidov Firuz Tuygunovich,

Senior Lecturer of International
Islamic Academy of Uzbekistan

E-mail:f.rashidov@gmail.com

THE EFFECT OF THE CRIMINAL LAW IN SPACE

ANNOTATION

The article describes some of the comments made by the author regarding certain considerations regarding the validity of criminal law by territory. The author also noted that the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan defines the territorial scope of application of the National Criminal Law. The provisions laid out in it express the territorial principle, that is, the principle of the application of the Criminal Code of the same state is indicated in which territory of the state a crime was committed. In accordance with this, all persons who have committed a crime on the territory of Uzbekistan are liable only under the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, regardless of which state they are citizens or are not citizens.

The dissolution of the former USSR and the emergence of several independent states in its place, the emergence of the CIS on the site of the former Union, and the complete change of ties between them in all spheres, caused borderline problems between them, these problems are also directly related to the fact that the criminal law applies to the territory. The author also proposed and substantiated the proposal to penalize the criminal punishment of the expulsion of foreign citizens and stateless persons from the territory of the Republic of Uzbekistan at the end of the article.

Keywords: criminal liability, territory, expulsion from the territory of the Republic of Uzbekistan, citizens, stateless persons, foreign citizens. Territory of the Republic of Uzbekistan, jurisdiction.

Ҳар қандай қонун, шу жумладан жиноят қонуни ўзининг амал қилиш ҳудуди жиҳатидан муайян чегара билан чекланган бўлади.

Жиноят қонунларининг ҳудуд бўйича амал қилиш кучи ҳақи-даги масала муҳим сиёсий аҳамиятга эгадир. Чунки жиноят қонуни-нинг ҳудуд бўйича амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 11-моддасида Жиноят кодексининг Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган шахсларга нисбатан, 12-моддасида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарисида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиш қоидалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлаши белгилаб қўйилган [1].

ЖКнинг 11-моддасида Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган шахс ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилади, дейилади. Демак, ер шарининг Марказий Осиё минтақасида жойлашган Ўзбекистон мустақил ҳудудга эга эканлиги, унинг суверен давлат бўлишини таъминлайди. Ўзбекистон ҳудуди тарихан шаклланиб келган ва халқаро шартномаларда белгиланган, қуруқлик, сув ҳавзаси, ҳаво ва ер ости давлат чегараси билан белгиланадиган ҳудудидан иборат [2]. Орол денгизи Қозоғистон ва Қорақалпоғистон ўртасида жойлашган бўлиб, Орол денгизининг Ўзбекистоннинг чегара чизиғи белгиланган қисми Ўзбекистон ҳудуди ҳисобланади. Ўзбекистоннинг Афғонистон билан ажратиб турувчи чегара Амударёнинг ўртасидан ўтган чегара чизиғи билан белгиланади. Ана шу қуруқлик ва сув чегарасининг вертикалига белгиланган атмосфера ҳавзаси Ўзбекистоннинг ҳаво ҳудуди ҳисобланади. Ана шу чегара чизиғи билан белгиланган ер ости қисми Ўзбекистоннинг ер ости ҳудуди ҳисобланади. Бу ҳудудда жиноят содир қилган ҳар қандай ақли расо, қонунда белгиланган ёшга етган шахс у қайси давлатнинг фуқароси эканлигидан, фуқаролиги бор ёки йўқлигидан қатъи назар, Ўзбекистон жиноят қонуни билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистоннинг ҳудудидан ташқарида бирон-бир давлатнинг ҳудудига кирмайдиган очиқ денгиз, ҳаво ҳавзаси ёки қуруқликдаги Ўзбекистон юк ва йўловчилар ташувчи кема, самолёт ва бошқа объектлар ҳам Ўзбекистон ҳудуди ҳисобланиб, уларда содир этилган жиноят учун Ўзбекистон Жиноят кодекси тадбиқ этилади.

Ўзбекистоннинг ҳарбий самолётлари ва бошқа ҳарбий объектлар қаерда тургани ёки ҳаракатланаётганлигидан қатъи назар, Ўзбекистон ҳудуди ҳисобланади ва фақат Ўзбекистон қонунлари қўлланади. Ўзбекистон Республикаси ЖК 11-моддасининг 3-қисмида Ўзбекистон байроғи остидаги ёки Ўзбекистон портида рўйхатга олинган ҳаво, денгиз ёки дарё кемасида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлиб, чет эл давлати ҳудуди ҳисобланмаган жойда жиноят содир этилса, бундай жиноят учун ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилади, дейилади. Ушбу модданинг 4-қисмида амалдаги қонунлар, халқаро шартномалар ёки битимларга мувофиқ чет эл фуқароларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган ҳолда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал қилинади, дейилади. Бундай шахсларнинг доираси халқаро ҳуқуқ нормаларида, шунингдек, давлатлараро шартномаларда белгиланади.

Шахсий дахлсизлик ва жиноят юрисдикцияси иммунитетидан фойдаланадиган шахсларга:

Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари (элчилар, мухтор элчилар, ишончли вакиллар) маслаҳатчилар, савдо ваколатхона вакиллари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳарбий, ҳарбий ҳаво ва ҳарбий-денгиз атташелари, котиб-архиваруслар ҳамда Ўзбекистон фуқароси ҳисобланмаган улар билан бирга яшовчи оила аъзолари киради. Бундан ташқари, Консуллар (бошқа бир давлатнинг ўз давлати ва фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистонга қўйилган расмий вакили), дипломатик ваколатхоналарининг ходимлари ва бошқа хизмат кўрсатиш ходимлари, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг

вакиллари ва мансабдорлари, парламент ва ҳукумат делегатлари иммунитетдан фойдаланадилар. Экстерриториал ҳуқуқдан фойдаланадиган шахсларнинг доираси давлатлараро келишувга мувофиқ кенгайтирилиши ёки торайтирилиши мумкин.

Экстерриториал ҳуқуқ дипломатик ваколатхоналарнинг хизмат ва яшаш хоналарига ҳам жорий қилинади. Аммо бундай иммунитет дипломатик ваколатхона ходимларининг уларга юклатилган вазифалардан ташқари фойдаланиш мумкинлиги дегани эмас.

Шундай қилиб, жиноят учун жавобгарликнинг ҳудудий принципига кўра, ҳар қандай экстерриториал иммунитет ҳуқуқидан фойдаланмайдиган шахслар, улар Ўзбекистон фуқароси эканлиги ёки фуқароси эмаслигидан, фуқароликка эга ёки эга эмаслигидан қатъи назар, Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир қилсалар Ўзбекистон жиноят қонуни билан жавобгар қилинадилар.

Одамларнинг ҳаракатланиш доираси фақат Ўзбекистон давлат чегарасининг ичи билан чекланмай, бошқа барча давлат ҳудудида ҳаракатланиб юрадилар. Агар ҳаракат узоққа чўзилган ёки давомли жиноят бўлиб, жиноятнинг бир қисми Ўзбекистонда ёки бошқа давлат ҳудудида бошланиб, Ўзбекистон ёки бошқа давлат ҳудудида охирига етказилган бўлса, жавобгарлик масаласи қандай ҳал қилиниши керак, деган ҳақли савол туғилади.

Бу масала Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 11-моддасида аниқ кўрсатиб қўйилган бўлиб, қилмиш:

а) Ўзбекистон ҳудудида бошланган, тамомланган ёки тўхтатилган бўлса;

б) Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса;

в) Ўзбекистон ҳудудида содир этилиб, жиноий оқибати эса Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса;

г) бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар билан биргаликда содир этилган бўлиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топилади

Ўзбекистон Республикаси ЖК 11-моддасининг “б” бандида қилмиш “Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиноий оқибати эса Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, жиноят Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят”, деб топилиши ҳақида баён қилинган. Аммо ушбу масалани ҳал қилишда асосан жиноят таркибининг барча аломатларини ифодаловчи ҳаракатлар қайси давлатнинг ҳудудида охиригача бажарилганлигига эътибор бериш керак. Масалан, айтайлик, Ўзбекистон фуқароси ўзининг шахсий машинасида Тошкент – Чимкент йўналиши бўйича кетаётганида иккита Қозоғистон фуқароси жанжаллашаётгани, бири иккинчисига пичоқ санчиб ҳаёт учун хавфли бўлган жароҳат етказса, Ўзбекистон фуқароси жабрланувчини дарҳол ўз машинасига олиб, Ўзбекистон ҳудудидаги касалхонага келтирса, шифокорларнинг унинг ҳаётини сақлаб қолиш юзасидан қилган барча ҳаракатларига қарамай жабрланувчи вафот этса, айбдорни Ўзбекистоннинг ёки Қозоғистоннинг жиноят қонуни билан жавобгар қилиш кераклиги муаммоси келиб чиқади. Бу келтирилган мисолда жиноят Қозоғистон ҳудудида содир этилиб, ўлим Ўзбекистон ҳудудида юз берган. Бундай ҳолда жиноят Қозоғистон қонуни билан ҳал қилинади. Чунки ушбу келтирилган мисолда одам ўлдириш жиноятининг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг барчаси Қозоғистон ҳудудида охирига етказилган, фақат ўлим (оқибат) Ўзбекистон ҳудудида юз берган. Ўлим (оқибат) юз бериши жиноят объектив томонининг зарурий белгиси бўлсада, унинг юз бериши учун қилинган ҳаракатларнинг барчаси Қозоғистон ҳудудида содир этилган. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 11-моддаси 2-қисмининг “б” банди бўйича жавобгарликни ҳал қилиш масаласи индивидуал ҳал қилинади.

Бошқа бир мисол. Чимкент-Тошкент йўналиши бўйича келаётган автобусда иккита фуқаро жанжаллашиб, уларнинг жанжали автобус Ўзбекистон ҳудудига ўтганда ҳам тўхтамай бири иккинчисига ҳаёт учун хавфли бўлган шикаст етказиши натижасида жабрланувчи ўлса, жиноят Ўзбекистон қонуни билан ҳал қилинади. Бундай ҳолда жиноий ҳаракат Қозоғистон ҳудудида бошланган бўлсада, бу ҳаракат Ўзбекистон ҳудудида ҳам давом этган ва оқибат ҳам Ўзбекистон ҳудудида юз берган.

Агар жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиб, гуруҳ аъзолари бир вақтда турли давлатлар ҳудудида жинойи фаолиятни амалга ошираётган, уларнинг бажарувчиси Ўзбекистон ҳудудида ҳаракат қилаётган бўлса жиноят Ўзбекистон жиноят қонуни билан ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 12-моддасида жиноят қонунининг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиш шартлари белгиланган. Ушбу моддада белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек, Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти бошқа давлат ҳудудида содир этган жинояти учун ўша давлат судининг қонуни билан жазоланмаган бўлмасалар, ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортиладилар. Лекин худди шундай қилмиш Ўзбекистон Жиноят кодексига ҳам жиноят деб ҳисобланган ва жазо назарда тутилган бўлиши керак.

Ўзбекистон фуқароси чет эл давлати ҳудудида содир этган жинояти учун, агар халқаро шартномалар ёки битимларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ушлаб берилиши мумкин эмас.

Чет эл фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун фақат халқаро шартномалар ёки битимларда назарда тутилган ҳоллардагина Ўзбекистон Жиноят кодекси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Демак, Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 12-моддаси бўйича Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноятлар учун Ўзбекистон жиноят қонуни фуқаролик принципига асосланади.

Ҳудудийлик тамойили давлат ҳокимиятининг суверенлик тамойилига асосланган бўлиб, унинг ҳуқуқ соҳасида умуман ва жиноят соҳасида қисман ифода топишидир. Давлат суверенитети ва қонуннинг ҳудудийлик тамойили ўзаро узвий боғлангандир: давлат ҳокимияти унинг ҳудудий масофалари билан чегараланган ва унинг қонунлари ҳам шу чегаралари доирасида амал қилади.

ЖК 11-моддаси 1-қисми ҳудудийлик тамойилининг умумий қондасини ифода этади: “Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган шахс мазкур Кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилади”.

Ҳудуд дейилганда, маконнинг шундай қисми, яъни Ўзбекистон Республикаси суверенитетига қарашли қуйидаги жойлар тушунилади:

- куруклик ҳудуди;
- сув ҳудуди, шу жумладан, ички сувлар;
- ҳаво ҳудуди;
- ерости [3].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 85-90-моддаларига мувофиқ, мазкур Кодекснинг амал қилиш ҳудудига республиканинг барча ҳудуди, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди ҳам киради [4].

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг амал қилиш доирасига фақат республиканинг куруклик ва сув ҳудуди остига жойлашган ерости чегаралари киради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди сифатида республиканинг чет давлатлардаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари жойлашган ҳудуд ҳам қабул қилинади.

Халқаро ҳуқуқнинг умумий қондаларига мувофиқ, бундай муассасалар экстерриториал мақомга эга бўлади, яъни улар маҳаллий қонунчилик таъсиридан ажратилган ҳолда қайси мамлакатга қарашли бўлса, ўша давлат қонунчилиги таъсирига ўтади [5].

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари ҳудудида содир этилган жиноятлар ҳар доим Ўзбекистон ҳудудида содир этилди, деб ҳисобланади. Худди шундай тарзда Ўзбекистондаги чет давлатлар элчихоналарида содир этилган жиноятлар ҳам ўша давлатлар қонунчилигига мувофиқ қўрилади. Ваколатхонанинг ҳудуди сифатида ундаги бино ва хоналаргина эмас, балки шу

бинога қарашли ер, ҳовли, ваколатхона бошлиғининг резиденцияси, ваколатхона ходимлари, давлат юрисдикцияси иммунитетига эга бўлган шахслар яшайдиган турар жой бинолари ҳамда транспорт воситалари тан олинади.

Шуни кўрсатиш лозимки, ваколатхона ҳудудига ёки унинг ходимларига қарши қаратилган жиноят, жиноят субъекти Ўзбекистон Республикасида жисмонан турганлиги шарти билангина, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган деб топилади, акс ҳолда бундай ҳаракатларни бошқа давлат ҳудудида содир этилган, деб қараш керак.

ЖК 11-моддаси 2-қисми Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб ҳисоблаш мезонларини белгилайди. М.Рустамбаев бундай мезоннинг киритиш заруриятини содир этилган ҳаракатни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жиноят сифатида белгилаш чегараларини қонуний белгилаш ва шу асосда қонунни қўллаш фаолиятини бир хил тарзда олиб бориш имкониятини таъминлашдир, деб тушунтиради [6].

ЖК 11-моддаси 2-қисми жиноий ҳаракат содир этилишининг барча босқичлари ва кўринишларини, айбдор жиноий хулқ-атворининг деярли барча кўринишларини қамраб олади. Хусусан, мазкур моддага мувофиқ

“Қилмиш:

- Ўзбекистон ҳудудида бошланган, тамомланган ёки тўхтатилган бўлса;
- Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса;
- Ўзбекистон ҳудудида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса;
- бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар билан биргаликда содир этилган бўлиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топилади”.

Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган жиноий ҳаракат белгилари мазмун-моҳиятига кўра объектив ҳисобланади ва қонун чиқарувчи жиноят таркибининг барча белгиларини объектив равишда кўрсатиб беради. Бу белгилар жиноий ҳаракатнинг фақат тегишли белгиларига хос бўлиб, жиноят таркибининг бошқа қисмларига тегишли бўлмайди. Айни вақтда жиноятнинг муҳим белгилари қонун чиқарувчи томонидан муҳим априори деб ҳисобланади, яъни қонун моддаларидан қатъи назар ҳар бир жиноят кўриб чиқилганда, бу белгилар аниқланади. Бу белгилар жиноий иш содир этилган ҳудудни аниқлашга таъсир этмайди, лекин суд ва тергов органлари томонидан ҳар бир ҳаракатнинг жиноятга алоқадорлигини аниқлаш мақсадида кўриб чиқилади (масалан, ҳаракат жиноят содир этишга лаёқатсиз киши томонидан қилинган бўлса, бундай жиноят жамият учун хавfli ҳисобланмайди, гарчанд жиноий ҳаракатнинг объектив белгилари мавжуд бўлган ҳолда ҳам). Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган белгилар рўйхати Жиноят кодексининг тамойилларини ифода этади, яъни қонунийлик, адолатлилик, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглик тамойилларини кўрсатади.

ЖК 11-моддаси 2-қисми “а” бандида жиноят содир этишнинг бошланиши деганда, айбдор содир этиш шарт деб ҳисоблаган ва содир этган, улар жиноий оқибатга олиб келмаган бўлса ҳам ҳар қандай жиноий қилмишни (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушуниш керак. Шундай қилиб, жиноят содир этишни бошлаш тамом бўлган суиқасдни қамраб олади.

Жиноят содир этишнинг бошланиши сифатида яна шундай дастлабки жиноий ҳаракат тан олинадики, бундай ҳаракат кейинги узоқ давом этувчи қонунбузарлик ҳаракатлари билан боғлиқ бўлади, яъни узоқ давом этувчи жиноятнинг бошланишидир.

Узоққа чўзилган жиноят, масалан, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш кабилардан иборат бўлиши мумкин.

ЖК 11-моддаси 2-қисмининг навбатдаги икки банди – “б” ва “в” бандлари қилмишнинг тамом бўлган жиноятнинг айрим ҳолатларига нисбатан – моддий таркибли жиноятларга Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят сифатида баҳолашнинг шартларини белгилайди.

Бундай шартларнинг алоҳида кўрсатилишига сабаб умумий қоида бўйича қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги унинг содир этилишигагина эмас, балки унинг қонунда кўрсатилган оқибатларига қараб аниқланади ва бу оқибатлар келиб чиққандан сўнг жиноят содир этилган ҳисобланади. Лекин бу қоида жиноий ҳаракат бир давлат ҳудудида содир этилгандагина қўлланади. Агар жиноят икки ёки бир неча давлат ҳудудида содир этилган бўлса, бундай қоида қўллаш жиноятчининг жазодан қутулиб қолишига имконият туғдиради. Шунга кўра қонун белгилайдики, агар содир этилган жиноят моддий таркибга эга бўлса, оқибатлари мавжудлигига қарамай, у Ўзбекистон ҳудудида содир этилган деб баҳоланади. Бундай шартнинг белгилаб қўйилиши жиноят қонунининг жавобгарликнинг муқаррарлик принципига мос келади.

Таъкидлаш лозимки, қилмишнинг Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят сифатида баҳоланиши зарурий объективлик белгиларидан бирортасининг формал мавжудлигини талаб қилмаса ҳам, бу белгининг фактик аниқланиши ҳақидаги талабга риоя қилиш зарурлигини инкор этмайди. Бошқача қилиб айтганда, суд ва тергов органлари шахсни шундай жиноят учун жавобгарликка тортишда ҳар доим жиноятнинг мазкур белгилари йиғиндисининг амалда мавжудлигини аниқлашлари шарт. Бу жиноятнинг моддий таркиби талабидан келиб чиқади. Бу белгилардан бирортасининг амалда мавжуд бўлмаслиги айбланувчи ҳаракатларининг тамом бўлган жиноят сифатида баҳоланишига йўл қўймайди.

ЖК 11-моддаси 2-қисми “г” бандида бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар билан содир этилиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, бундай жиноят Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган деб баҳоланади.

Бу ҳолда биргаликда ягона жиноий йўналишга эга бўлган жиноий хулқ-атвор актларининг бирлашиши бир неча қилмишлардан иборат қилмишни англатади. Хусусан, бир неча қилмишга жиноятга тайёргарлик кўриш, содир этиш, унда иштирок этиш, ташкилотчилик қилиш, ёрдамлашиш каби ҳаракатлар киритилади. ЖК 11-моддаси 2-қисми “а” бандига киритилмайдиган белгилар: жиноятга тайёргарлик кўриш, иштирок этиш кабилар бир қилмишни ташкил этади, унда айбдор бўлганлар жавобгарликка тортилиши лозим.

Бошқа қилмишлар билан биргаликда деган тушунча ягона мақсадга йўналтирилган ва натижада бир жиноятни ташкил этадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг бир хил актларини қамраб олади. Натижада, мазкур бандга мувофиқ, давом этувчи жиноятларни тушуниш лозим.

Шундай қилиб, ЖК 11-моддаси 2-қисми “г” банди мазмунига мувофиқ, бир неча қилмиш шахс ҳаракатининг хусусияти бўлса, бошқа ҳаракатлар билан биргаликда деган тушунча, муайян жиноят таркибини ташкил этувчи қилмишнинг хусусиятини қамраб олади. Бу ерда бир неча хил қилмишлар мавжудлиги талаб этилади. Агар ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бир мартагина содир этилган бўлса, айбдор шахс мазкур бандга мувофиқ жавобгарликка тортилмайди, бироқ “а”, “б” бандлар ёки ЖКнинг 11-моддаси 2-қисмига мувофиқ тегишли белгилар мавжудлигида жавобгарликка тортилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, мазкур бандга мувофиқ қонунда баён этилган қоидадан келиб чиқиб, шахсни жавобгарликка тортиш учун жиноят бошқа давлат ҳудудида бошланган, тугалланган ёки тўхтатилган, лекин жиноий ҳаракатнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилганини аниқлаш лозим (масалан, Ўзбекистоннинг қўшни давлат билан чегарасида бошланиб, ўша ерда геноцид (қирғин) юз берган ва чегарадош Ўзбекистоннинг аҳолисига ҳам тегиб ўтган). Акс ҳолда, жиноят содир этган шахс мазкур модданинг “а” бандига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

ЖК 11-моддаси 3-қисми ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг умум- эътироф этилган қоидаларини ифода этади. Унга мувофиқ, денгиз, дарё ёки ҳаво кемаси устидаги байроқ ёки рўйхатга қўйилган порт қайси давлатга мансуб бўлса, ўша давлат ҳудудидан ташқарида, лекин бошқа чет давлат ҳудудига кирмаган бўлса, у ўз давлати ҳудудида деб ҳисобланади.

Кеманинг Ўзбекистон Республикаси байроғи остида бўлиши унинг миллий мансублигини белгилайди ва бу мансублик кема Республика Давлат байроғи остида бўлиш ҳуқуқига эга ва мажбурлигида кўринади.

Ҳар бир давлат кемага унинг байроғи остида юриш ҳуқуқини ва ҳужжатларини ўзи белгилайди ва беради [7].

Портда рўйхатдан ўтказилиши – бу кеманинг кемачиликни тартибга солувчи органлар кирғок кемачилик инспекцияларининг кемачилик реестрига киритилиши [8].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини яна айрим ҳолларда жиноят хорижий давлатнинг сув ёки ҳаво ҳудудида содир этилганда ҳам қўллаш мумкин. Лекин бундай ҳолатларда хорижий давлат манфаатларини сақлаш шартлари билан чегаралашга тўғри келади, яъни ўша давлат манфаатларига зарар келадиган бўлса, унда ўша давлат қонуни қўлланилади [9].

Нотижорат давлат кемалари (ҳарбий, божхона, полиция кемалари ва бошқалар) ҳар доим қаерда бўлишидан қатъи назар, фақат Ўзбекистон Республикаси жиноий юрисдикциясига эга бўлади. Бу очиқ сув ёки ҳаво ҳудуди, бошқа давлат ҳудудидаги денгиз ёки ҳаво ҳудуди, денгиз порти ёки аэропорт бўлиши мумкин. Шундай жойларда ҳам Ўзбекистон денгиз, дарё ёки ҳаво кемасида жиноят содир этган шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

ЖК 11-моддаси 4-қисми Ўзбекистон Республикаси жиноий қонунчилигининг амалдаги ҳудудийлик принциpidан қонуний истисно қилиш ҳолатларини белгилайди. Бу, давлат вазибаларини бажарувчи айрим шахсларни жиноий жавобгарликка тортишда ҳуқуқий иммунитет берилиши ҳақида ҳозирги замон жаҳон концепсиясини ифода қилади.

Ҳуқуқий иммунитетдан фойдаланиш ҳуқуқи берилган шахс унинг жинояти характери ва ижтимоий хавфлилиги даражасидан қатъи назар, қайси мамлакат манфаатларига хизмат қилган бўлса, ўша давлат розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқий иммунитетдан қуйидаги чет эл фуқаролари фойдаланиши мумкин:

- хорижий давлат дипломатик ходимлари;
- хорижий давлат ваколатхоналари ходимлари;
- халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ходимлари;
- хорижий давлатларнинг бошқа вакиллари.

Дипломатик ваколатхона ходимлари – бу ваколатхона бошлиғи ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг шундай мақомга эга бўлишини тасдиқловчи ҳужжат берилган шахсий таркиб аъзолари, ходимлар [10].

Ваколатхона шахсий таркиби аъзолари – бу, аввало, ваколатхона шахсий таркиби аъзолари – дипломатик ходимлар, ваколатхонанинг маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари. Дипломатик ходимлар қаторига, биринчи навбатда, дипломатик рангга эга бўлган ваколатхона ходимлари кирази. Маъмурий-техник ходимлар таркибига ваколатхона шахсий таркиби аъзолари киритилади. Уларнинг вазифаси ваколатхонага маъмурий-техник томондан хизмат кўрсатишдан иборат. Бундан ташқари, ваколатхонага маиший хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳам бор [11]. Маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар фақат хизмат вазибаларини бажараётган вақтда иммунитетга эга бўладилар.

Дипломатик ваколатхона ходимлари билан бир қаторда жиноий юрисдикцияга нисбатан иммунитет, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигида турмаган бўлсалар, ваколатхона ходимларининг оила аъзоларига ҳам берилади, лекин бундай иммунитет ваколатхонанинг хизмат кўрсатувчи персонали ходимлари оила аъзоларига берилмайди.

Иммунитетга эга бўладиган ваколатхона ходими статусига қурер эга бўлади, яъни дипломатик почтани ташиш учун тайинланган расмий шахс. Дипломатик қурер доимий ёки бир мартага, яъни муайян почта маълумотини етказиш билангина мазкур ҳуқуқий ҳолатга эга бўлиши мумкин.

Консуллик муассасаси ходими – бу, аввало, консуллик вазифасини адо этувчи ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилган махсус ҳужжатларга эга бўлган ҳар қандай шахс, жумладан, консуллик муассасаси раҳбари ҳам. Шундай қилиб, мазкур бандга мувофиқ элчихона ходими сифатида фақат консулликнинг мансабдор шахслари тушунилади. Бундай

шахслар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлардан озод этувчи иммунитетга эга бўладилар. Ўзбекистон Республикаси консуллик курерига ҳам дипломатик курерга берилган ҳуқуқий мақомни беради [12].

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ходимлари сифатида Ўзбекистонда аккредитациядан ўтказилган ташкилотларнинг вакиллари тан олинади. Бундай масабдор шахслар ва уларга тақдим этиладиган иммунитетлар рўйхати халқаро шартномалар ва битимларга мувофиқ белгиланади, масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва турли ихтисослашган муассасалар фойдаланадиган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция [13], Халқаро жинойий судининг Рим статuti [14] ва ҳ.к.

Ўзбекистон жинойий юрисдикциясидан сақловчи иммунитетга эга бўлган бошқа шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит равишда ўтувчи учинчи давлатдаги элчихона бошлиқлари, дипломатик таркиб аъзолари, уларнинг оила аъзолари киради.

Шундай иммунитет давлатлараро музокараларда, халқаро конференцияларда ва йиғилишларда қатнашиш учун ёки бошқа расмий топшириқлар билан Ўзбекистон Республикасига келадиган хорижий давлатларнинг вакиллари, хорижий давлатларнинг парламент ва ҳукумат делегациялари аъзолари, шунингдек, уларни кузатиб борувчи ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган оила аъзолари ҳам берилди [15].

ЖКнинг ҳудудийлик принциpidан мустасно қилиш иммунитетидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин эмас деган маъно келиб чиқмаслиги керак. ЖК 11-моддаси 4-қисмида белгилаб қўйилган: жавобгарликка тортиш ҳақидаги масала халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ амал қилинади, яъни умуман жавобгарликдан озод этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси манфаатларига, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳарбий ёки бошқа жиноятларни содир этган чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ЖК бўйича жавобгарликка тортилиши юқорида келтирилган конституциявий норманинг моҳиятига мос келади ҳамда бундай қилмишлар учун ҳам жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланади. Айнан шундай қоида РФ, Қозоғистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Украина Республикалари жиноят қонунларида ўз аксини топган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКда бу масала очиқ қолган.

Жумладан, мазкур қоида РФ ЖКнинг 12-моддаси, Қозоғистон ЖКнинг 8-моддаси, Беларусь ЖКнинг 6-моддаси, Молдова ЖКнинг 11-моддаси, Озарбайжон ЖКнинг 12-моддаси, Украина ЖКнинг 8-моддасида ўз аксини топган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 12-моддасини қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:

“Чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси манфаатларига, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳарбий ёки бошқа жиноятларни Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этган ҳолларда чет давлат судининг ҳукми билан жазоланган бўлмасалар, ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортиладилар.”

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг МЖТКнинг 23-моддаси чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тарзидаги маъмурий жазо киритилган эди.

Бизнингча, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ва улар томонидан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги, жиноят натижасида Ўзбекистон Республикаси, жисмоний ва юридик шахслар манфаатларига етказилган зарарнинг кўлами ва

микдори жиҳатидан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазо тариқасида чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш тарзидаги жиноий жазо пенализация қилиниши мақсадга мувофиқ.

Мазкур турдаги маъмурий жазонинг МЖТКга киритилиши унинг жиноий жазо тариқасида киритилишига тўсқинлик қилмайди. Ушбу фикрни маъмурий ҳуқуқбузарлик ижтимоий хавфлилигига кўра жиноятдан оғир эканлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, жиноят-ҳуқуқий сиёсатда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш имкониятини ошириш борасида жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланадиган жиноий жазолардан кўзланган мақсадга эришиш, жиноят содир этган шахсни ахлоқан тузатиш мақсадида жарима жазосини нафақат асосий, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш, шахснинг ўз қилмиши ижтимоий хавфлилигини янада яққол англаш ҳамда жазодан кўзланган мақсадга эришишга хизмат қилади.

Қайд этиш лозимки, мазкур қоида РФ (45-м.), Беларусь (48-м.), Молдова (62-м.), Озарбайжон (43-м.), Украина (52-м.), Грузия (41-м.) ва Арманистон (50-м.) Республикалари жиноят қонунчилигида ҳам мустақамланган бўлиб, жарима жазоси нафақат асосий, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра ЖК 43-моддасини қуйидаги таҳрирда ўзгартириш таклиф этилади:

“43-модда. Жазо тизими

Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- б¹) мажбурий жамоат ишлари;

б²) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш;

- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д¹) озодликни чеклаш;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Жарима, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин”.

Шунингдек, юқорида таклиф этилган жиноий жазони пенализация қилиш тўғрисидаги таклифдан келиб чиқиб, ЖКни чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш тариқасидаги жазо турини белгиловчи 45²-модда билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:

“45²-модда. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш ушбу шахснинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи кейинчалик уч йилдан беш йилгача муддатга чекланган ҳолда, назорат остида чиқариб юборишдан иборат”.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. <https://lex.uz/docs/6445145> (Constitution Of The Republic Of Uzbekistan. National database of legislative data, 01.05.2023.,03/23/837/0241. <https://lex.uz/docs/6445145>)
2. “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида” ги Қонуни 1999 йил 20 августда қабул қилиниб, 2000 йил 1 январдан амалга киритилган. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 29-сон, 69-88-бетлар. (The law" on the state border of the Republic of Uzbekistan " was adopted on August 20, 1999 and implemented on January 1, 2000. New laws of Uzbekistan. No. 29, pp. 69-88.)
3. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”ги N 820-I сон Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси”, 1999 йил, 9-сон, 217-модда. (The Law of the Republic of Uzbekistan “On State borders”, August 20, 1999 n 820-I //“Bulletin of the Oliy Majlis of Republic of Uzbekistan", 1999, No. 9, article 217.)
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. <https://lex.uz/docs/6445145> (Constitution Of The Republic Of Uzbekistan. National database of legislative data, 01.05.2023.,03/23/837/0241. <https://lex.uz/docs/6445145>)
5. Дипломатия муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенцияси (Вена, 1961 йил 18 апрел. 1964 йил 24 апрелдан кучга кирган. Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги 1078-XII-сонли қарорига мувофиқ) (Vienna Convention on diplomatic relations (Vienna, 18 April 1961. The year 1964 was effective from 24 April. The annexation of the Republic of Uzbekistan is in accordance with Resolution No. 1078-XII of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan dated May 6, 1994)
6. Rustambayev M.X. O‘zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 1. Jinoyat haqida ta’limot. Darslik. 2-nashr, to‘ldirilgan va qayta ishlangan – T.: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – B.67. (Rustambayev M.X. Course of Criminal Law of the Republic of Uzbekistan. Tom 1. Doctrine of crime. Textbook. 2nd edition, completed and reworked-T.: Military-Technical Institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan, 2018. - B.67.)
7. Большой юридический словарь / Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. – 129 б. (Large legal dictionary / Edited by A.Ya. Sukharev, V.E. Krutskikh. – 129 pp.)
8. Ўзбекистон Республикасининг ички сув транспорти устави (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 февралдаги 106-сон қарори билан тасдиқланган), 21-банд // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тўплами, 1997 йл, февраль. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2005 й., 27-сон, 191-модда. (The Charter of domestic water transport of the Republic of Uzbekistan (approved by the decree of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 106 of February 26, 1997), paragraph 21 // collection of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, 1997 yl, February. Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan 2005., No. 27, p.191.)
9. Ҳаво кемаси бортида содир этиладиган жиноятлар ва баъзи бошқа актлар тўғрисидаги Конвенция (Токио, 1963 й. 14 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 81-I-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 29 октябрдан бошлаб кучга кирган), II боб (3—4-моддалар) (Convention on crimes and some other acts committed on board an airship (Tokyo, 1963. September 14. The annexation of the Republic of Uzbekistan was established in accordance with Resolution No. 81-I of May 6, 1995, effective October 29, 1995 for the Republic of Uzbekistan), Chapter II (articles 3-4)

10. Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 8 майдаги 207-сон қарорига 1-илова), 6.4-банд // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й, 9-сон, 47-модда; 2002 й, 14-сон, 112-модда. (Regulations on diplomatic missions and consular institutions of foreign countries in the Republic of Uzbekistan (Annex 1 to resolution 207 of the OECD of May 8, 2001), paragraph 6.4 // collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2001, issue 9, Article 47; 2002, issue 14, Article 112.)
11. Дипломатия муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенцияси (Вена, 1961 йил 18 апрел. 1964 йил 24 апрелдан кучга кирган. Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги 1078-ХII-сонли қарорига мувофиқ) (Vienna Convention on diplomatic relations (Vienna, 18 April 1961. Effective April 24, 1964. The annexation of the Republic of Uzbekistan is in accordance with Resolution No. 1078-XII of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan dated May 6, 1994))
12. Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 майдаги 207-сон қарорига 1-илова), 3.17-банд. (Regulation on diplomatic missions and consular institutions of foreign countries in the Republic of Uzbekistan (Appendix 1 to Resolution No. 207 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated May 8, 2001), paragraph 3.17.)
13. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва турли ихтисослашган муассасалар фойдаланадиган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (Вашингтон, 1947 й. 21 ноябрь, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 й. 26 апрелдаги 234-I-сон қарорига мувофиқ,) Ўзбекистон Республикаси учун 1997 й. 18 февралдан бошлаб кучга кирган. (Convention on the rights of privileges and immunities used by the United Nations and various specialized institutions (Washington, 1947. November 21, 1996. 234-I of April 26, 1997 for the Republic of Uzbekistan. Effective 18 February.)
14. Халқаро жиноий суднинг Рим статути (Рим, 1998 й. 17 июль, Халқаро жиноий судини таъсис этиш бўйича БМТ раҳбарлигида ваколатли вакиллар конференцияси томонидан қабул қилинган) (Rome Statute of the International Criminal Court (Rome, 1998. July 17, adopted by the conference of competent representatives under the leadership of the UN on the establishment of the International Criminal Court)
15. Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 8 майдаги 207-сон қарорига 1-илова), 6.1-банд, 6.2-банд. (Regulation on diplomatic missions and consular institutions of foreign countries in the Republic of Uzbekistan (Annex 1 to resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 207 of May 8, 2001), paragraph 6.1, paragraph 6.2.)



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000